**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

# МОДЕМЛАР ЁРДАМИДА ИНТЕРНЕТГА УЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2010 й.

## Интернет тармоғига ACCESS-Ti модем ёрдамида симсиз уланиш

### 1. Access-Ti модемнинг USB драйверларини ўрнатиш

Access-Ti модемининг умумий кўриниши (1-расм)




1-расм

Қуйидаги 2-расмда модем учун керак бўлган жихозлар келтирилган:
а) Компьютер билан модемни улаш учун USB кабель, б) телефон аппарати билан боғлаш учун телефон кабели (иккала тарафи RJ11), в) модемнинг драйверлари ёзилган дискета, г) модемни электр токи билан таъминлаш учун қурилма (зарядное устройство), д) модемнинг ташқи антеннаси.




а) б) в) г) д)

2-расм.

Юқоридаги расмларда кўрсатилганлар қўл остингизда бўлгандан сўнг, компьютерингизни ёқинг. Компьютерингиз ишга тайёр бўлганида 3.1-расмда кўрсатилгандек модемингизни компьютерга уланг.

Бунинг учун,

1. Модемнинг заряд қурилмаси(2.г-расм)ни 3.2-расмдаги схемада кўрсатилганидек уланг.

2. USB кабелнинг (2.а-расм) **USB A** тарафини компьютерингизнинг USB портига улайсиз. **USB B** тарафини эса модемга уланг (3.1, 3.2-расмлар).




3.1-расм




3.2-расм

Шунда компьютерингиз автоматик тарзда янги қурилмани аниқлайди ва “**Найдено новое оборудование”** огоҳлантириш ёзуви пайдо бўлиб, **“Мастер нового оборудования”** ойнаси ҳосил бўлади (4-расм).




4-расм.

Дисковод қурилмасига **USB драйверлар** дискетаси(2.в-расм)ни қўйинг (5-расм).




5-расм.

6-расмда кўрсатилган ойнадан **“Автоматическая установка (Рекомендуется)”**ни танлаб [**Далее ]** тугмасини босинг.




6-расм.

Windows XP операцион системаси модемнинг USB драйверини дискетадан қидириб топади ва автоматик тарзда ўрнатади. Драйвер ўрнатиб бўлганидан сўнг ҳосил бўлган ойнадан **[Готово]** тугмасини босинг (7-расм). USB драйверни ўрнатишни тугатдингиз.




7-расм.

Агар Операцион система юқорида кўрсатилган усулда модем драйверини автоматик тарзда топа олмаса, у ҳолда «**Мастер нового оборудования**» ойнасида (6-расм) “**Установка из указанного места**” танланиб, ҳосил бўлган ойнадан (8-расм) қуйидаги йўл кўрсатилади: Windows XP учун USB драйвер **A:\USB\Windows XP\SER2PL.INF**




8-расм.

## 2. Модем драйверини “қўлбола” ўрнатиш

Windows XP да Торех модемини “қўлбола” ўрнатиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш керак

1. Windows ойнасида **[Пуск]** тугмасини босинг. 9.1 расмдаги ойна ҳосил бўлади. Ойнадаги менюда сичқончанинг кўрсаткичини олиб бориш билан **Настройка** танланади.




9.1-расм.

2. Экранда 9.2 расмдаги подменю пайдо бўлади. Сичқончанинг кўрсаткичи **Панель управленияга** олиб бориб босилади, натижада 10-расмдаги ойна пайдо бўлади.




9.2-расм.

Ҳосил бўлган ойна “**Панель управления**” да икки марта “**Телефон и модем**”га сичқончаниниг чап тугмаси икки марта босилади (“чертилади”) (10-расм).




10-расм.

Ҳосил бўлган ойнанинг подменюсидан (11-расм) 1. Сичқончанинг чап тугмасини босиш билан “**Модем**” ни танланади ва шу ойнадаги 2). [**Добавить**] тугмаси босилади




11-расм.

Ҳосил бўлган ойнадан (12-расм) ***“не определять тип модема (выбор из списка)”*** ни сичқончанинг кўрсаткичини олиб бориб бир марта босиб танланади ва [**Далее]** тугмаси босилади.




12-расм.

Ҳосил бўлган ойнада (13-расм) модем драйверининг дискетада жойлашган жойини кўрсатинг. Бунинг учун:

1) [**Обзор**] тугмасини босиш орқали (*Одатда драйвер **ACCESS-Ti** қурилмаси билан биргаликда тақдим этилган дискетада мавжуд бўлиб, **A:\Modem** папкасининг **MDMTOPEX.INF** файлида жойлашган бўлади*) **MDMTOPEX.INF** файли танланади ва

2) [**ОК]** тугмаси босилади.




13-расм.

Экранда 14-расмдагидек ойна пайдо бўлади. Бу ерда “**Topex ACCESS-Ti (With USB 115K serial conv)**” моделини танлаб [**Далее**] тугмасини босинг.

14-расм.

USB драйвери ўрнатилган **COM1** портини танланг, шундан сўнг [**Далее**] тугмасини босинг (15-расм).




15-расм.

**“Модем успешно установлен”** ёзувли ойна ҳосил бўлганда [**Готово**] тугмасини босинг (16-расм).




16-расм.

Шу билан сиз модем драйверини ўрнатиб бўлдингиз.
Модем ўрнатилган порт номи **“Телефон и Модем”** ойнасида кўринади (17-расм).




17-расм.

### 3. Access-Ti модеми ёрдамида Интернет алоқасини ўрнатиш

“**Сетевое подключение**”га киринг, бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:
1) **Пуск** тугмасини босинг. Экранда 18.1-расмдагидек ойна ҳосил бўлади, у ердан **Программы** танланади.




18.1 -расм.

2) Экранда 18.2-расмда кўрсатилганидек менюдан **Стандартные** танланади




18.2 -расм.

3) Ҳосил бўлган подменюдан **Связь** танланади (18.3-расм)




18.3 -расм.

4) Экранда 18.4-расмда кўрсатилгандек ойна ҳосил бўлади, у ердан “**Мастер новых подключений”** танланади (18.4-расм)




18.4 -расм.

5) Ҳосил бўлган ойнада [**Далее]** тугмасини босинг (18.5-расм).




18.5 -расм.

Бу ойнадан (19-расм) “**Подключить к интернету”** танланади ва [**Далее]** тугмаси босилади.




19-расм.

Кейинги ойнадан (20-расм) “**Установить подключение вручную**” танланиб [**Далее**] тугмаси босилади.




20-расм.

Ҳосил бўлган ойнадан (21-расм) **“Через обычный модем”**ни танланг ва **[Далее]** тугмасини босинг.




21-расм.

22-расмда кўрсатилганидек хизмат кўрсатувчи провайдер номини ёзинг, масалан, “**UZMOBILE”** сўнгра **[Далее]** тугмасини босинг.




22-расм.

23-расмда кўрсатилганидек “**Номер телефона**”га **#777** ни ёзинг ва **[Далее]** тугмасини босинг




23-расм.

24-расмда кўрсатилган ойнада “**Имя пользователя**” га, мисол учун, “**maktab@maktab.uz**” ёзувини ёзинг. “**Пароль**” (“**Подтверждение**”) бандларига **“а”** ни ёзинг, сўнгра [**Далее]** тугмасини босинг.




24-расм.

Сўнгги ойнада (25-расм) **“Добавить ярлык подключения на рабочий стол”** ни танлаб [**Готово]** тугмаси босилади.




25-расм.

Шу билан Сиз симсиз интернет билан боғланиш алоқасини ўрнатиш (инсталляция)ни тамомладингиз.

Юқоридаги амаллар бажарилиб бўлганидан кейин, интернетга боғланиш учун қуйидаги **3 хил усуллардан** бирини ишлатишингиз мумкин:

**1-усул.**

Иш столидаги (26 -расм) боғланиш ёрлиғини (мисолимизда **“Uzmobile”**) икки марта босамиз . Экранда **30-расмдаги** кўриниш пайдо бўлади.

26-расм.

**2-усул**.

1) Иш столидаги **“Сетевое окружение”**га сичқончанинг чап тугмасини босамиз (27-расм). Ҳосил бўлган менюдан **“Свойства”**ни танлаймиз. Экранда 28-расмдаги кўриниш пайдо бўлади.




27-расм.

2) 28-расмда кўрсатилган **“Uzmobile”** боғланиш ёрлиғига сичқончанинг ўнг тугмасини икки марта босамиз. Экранда 30-расмдаги кўриниш пайдо бўлади.




28-расм.

**3-усул.** Агар иш столида юқоридаги ёрлиқ (26-расм) пайдо бўлмаган бўлса, ёки иш столида **“Сетевое окружение”** ёрлиғи (27-расм) мавжуд бўлмаса ушбу 3-усулдан фойдаланишингиз мумкин.

1). Windows ойнасида **[Пуск]** тугмаси босилади (29.1-расм). Ҳосил бўлган менюдан “**Программы”** танланади.




29.1-расм.

2). “**Программы**” танланганидан сўнг ҳосил бўлган подменюдан “**Стандартные”** танланади (29.2-расм).




29.2-расм.

3). **“Стандартные”** танланганидан сўнг 29.3-расмда кўрсатилганидек **“Связь”** танланади.




29.3-расм.

4). **“Связь”** танланганидан сўнг (29.4-расм) ҳосил бўлган менюдан **“Сетевые подключения”** танланади. Бу ерда 2-усулнинг 2-бандида келтирилган кўриниш пайдо бўлади (28-расм).




29.4-расм.

Ҳосил бўлган ойнада 2-усулнинг 2-бандидаги амаллар бажарилади. Натижада экранда 30-расмдаги кўриниш пайдо бўлади.




30-расм.

Ойнадаги (30-расм) " **пользователь**" бандига **maktab@maktab.uz**” ни ёзинг.
**“Пароль”** бандига эса “**а**” ни ёзинг (пароль “ * ” кўринишида ойнада пайдо бўлади)
**“Набрать”** бандига **“#777”** ни ёзиб [**Вызов**] тугмасини босинг.

Шундан сўнг "**установка вызова** <Имя вашего соединения>" ойнаси ҳосил бўлиб Сизни интернетга уланаётганингиз ҳақидаги маълумот билан огоҳлантиради ва логин ҳамда паролни текширади. Агар ҳаммаси тўғри бажарилган бўлса интернетга уланади.

**Интернет тармоғига ZTE модем ёрдамида уланиш.**
ZTE МОДЕМ ДРАЙВЕРИНИ ЎРНАТИШ ҚЎЛЛАНМАСИ

**Диққат : Дастурни ўрнаштиришдан олдин стационарни компьютерга улаш мумкин эмас**.

1. Компьютерга дискни қўйганингизда (агар "**автозапуск**" ишга тушса) экранда расмдагидек ойна ҳосил бўлади. (агар "**автозапуск**" ишламаса, у ҳолда дискдан **Setup.exe** файлини ишга туширинг). У ердан "**English**" ни танлаб **[ОК]** тугмасини босинг (31-расм).

31-расм.

2. Экранда "**Welcome to the ZTE Connector Setup Wizard**" ёзувли ойна ҳосил бўлганда [**Next]** тугмасини босинг (32-расм).

32-расм.

3. Дастурни автоматик тарзда таклиф этаётган жойдаги ёзувни тасдиқлаб [**Next]** тугмасини босинг (33-расм).




33-расм.

4. Кейинги ҳосил бўлган ойнадан ( “**Select Start Menu Folder**”) “**ZTE\ZTEConnector**” ни танлаб, [**Next]** тугмасини босинг (34-расм).

34-расм.

5. “**Select Additional Tasks**” ойнасида **“Create a desktop icon”**ни танлаб **[Next]** тугмасини танланг (35-расм).




35-расм.

6. Ўрнаштириш (инсталляция) ни бошлаш учун **[Install]** тугмасини босинг (36-расм).

36-расм.

7. Драйверни ўрнаштириш вақтида экранда **«Please insert you device to complete the instalation»** ёзуви пайдо бўлганда, “**стационар терминал**”ни компьютер билан **USB** кабель орқали уланг (37-расм).




37-расм.

**Диққат: Сизнинг стационарингиз албатта ёқилган (уланган) ҳолда бўлиши керак**.

8. Дастурни ўрнатиш ниҳояланди. [**ОК** ]тугмасини босинг (38-расм).




38-расм.

9. [**Finish]** тугмасини босинг. Агар тугмани босганингиздан сўнг **ZTE Connector** ни ишлатмоқчи бўлсангиз уни расмдагидек танланг кейин **[Finish]**ни босинг. Экранда қуйидаги ойна ҳосил бўлади (39-расм).

39-расм.

10. “**ZTE Connector”** дастури ойнасидан [**Settings]** тугмасини босинг (40-расм).

40-расм.

11. “**Settings”** пунктида ойналарни расмда кўрсатилганидек тўлдиринг (41-расм).
User: **maktab@maktab.uz**
Password: **a**
Tel.Number: **# 777**




41-расм.

12. “**ZTE Connector”** дастурида боғланиш учун [**Connect]** тугмасини босинг (42-расм).

42-расм.

13. Дастур мувоффақиятли ўрнатилгандан сўнг компьютернинг иш столида расмда кўрсатилганидек ёрлиқ пайдо бўлади (43-расм).

43-расм.

14. Интернетга кириш учун доимо шу “**ZTE Connector”** ёрлиғи босилади, кейин [**Connect]** ни босилади.

Интернет браузерингиз(Internet Explorer, Mozilla, Opera)ни ишга тушириб **адреслар қаторига** интернет адресларини ёзиб фойдаланишингиз мумкин. Мисол учун: http://ziyonet.uz